

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ А Л Қ И Л У В Қ А Р О Р И**

Самарқанд шаҳри

2023 йил 7 август

Самарқанд шаҳар иқтисодий суди судья У.Ҳомидов раислигида, даъвогар [REDACTED] нинг жавобгар « [REDACTED] » МЧЖ ҳисобидан [REDACTED] сўм компенсация тўлови ва 55 486 сўм пеня ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича иқтисодий ишни соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

[REDACTED] (бундан матнда буён даъвогар деб юритилади) Самарқанд шаҳар иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, « [REDACTED] » МЧЖ (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) ҳисобидан [REDACTED] сўм компенсация тўлови ва 55 486 сўм пеня ундиришни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан кейин матнда - ИПК)нинг 203⁴-моддаси 2-3-қисмларида, жавобгар даъво аризаси юзасидан ёзма фикрини даъво аризасининг кўчирма нусхаси ўзига топширилган пайтдан эътиборан ўн беш кунлик муддатда судга ўзи асосланаётган ҳужжатлар ва далилларни илова қилган ҳолда тақдим этишга ҳақли. Ёзма фикрга унинг кўчирма нусхаси даъвогарга юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилиниши, даъво аризаси юзасидан ёзма фикр жавобгар ёки унинг вакили томонидан имзоланиши, вакил томонидан имзоланган ёзма фикрга ишончнома илова қилиниши белгиланган.

Суд соддалаштирилган иш юритиш тартибидаги ишни суд муҳокамасини ўтказмасдан, тарафларни чақиртирмасдан ва уларнинг тушунтиришларини эшитмасдан кўриб чиқади.

Суд тарафлар томонидан тақдим этилган ҳужжатларда баён қилинган тушунтиришларни, эътирозларни ва (ёки) важларни текширади, далиллар билан танишади, ашёвий далилларни кўздан кечиради ва ҳал қилув қарорини қабул қилади.

Суд, юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, ишдаги мавжуд ҳужжатлар билан танишиб, қуйидаги асосларга кўра даъвогарнинг даъво талабларини қисман қаноатлантиришни, суд харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим топади.

Ишдаги мавжуд ҳужжатлардан аниқланишича, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг иқтисодий механизмларини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 202-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловларини қўллаш тартиби



тўғрисида”ги Низомнинг (бундан буён матнда Низом деб юритилади) 5-бандида, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловчи субъектлар ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ифлослантирувчи моддалар ташламаларини атроф табиий муҳитга чиқариб ташловчи, оқова сувларни оқизувчи ва чиқиндиларни жойлаштирувчи юридик шахслар;

юридик шахслар, шунингдек, юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ҳамда шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари коммунал канализация тармоқларига ифлослантирувчи моддаларни нормативдан ортиқча оқизувчи жисмоний шахслар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан молиялаштириладиган ташкилотлар (кейинги ўринларда — бюджет ташкилотлари) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловчи субъектлар ҳисобланмайди.

Бюджет ташкилотлари мазкур Низомга мувофиқ ўзларининг асосий фаолиятидан ташқари ва атроф табиий муҳитга салбий таъсир кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа фаолият билан шуғулланганда, ундан олинган даромад манбалари ҳисобидан компенсация тўловлари тўлайдилар.

Атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи тоифаларига мансуб субъектлар (кейинги ўринларда — I — IV тоифаларга мансуб компенсация тўловчи субъектлар), ушбу Низомнинг 4 — 7-бобларида келтирилган компенсация тўловларини ҳисоблаш тартибига амал қилган ҳолда иш юритади деб белгиланган.

Шунингдек, Низомнинг 32-бандида, компенсация тўловчи субъектлар компенсация тўловларини ўз вақтида ҳисоблаш ва тўлашга мажбур эканлиги белгиланган.

Жавобгар ифлослантирувчи моддаларни атроф табиий муҳитга чиқариб ташловчи, оқова оқизувчи ва чиқиндиларни жойлаштирувчи юридик шахслар тоифасига кирганлиги боис, унга нисбатан 2022 йил йиллик [REDACTED] сўм компенсация тўловлари ҳисобланган. Бироқ, жавобгар ушбу компенсация тўловини тўламасдан келганлиги натижасида қарздорлик келиб чиққан.

Амалда « [REDACTED] » МЧЖ томонидан компенсация тўлови ҳисоб-китобларини расмийлаштириш ва уларни келишиш талабига кўра, атроф табиий муҳитни ифлослантирилганлик, чиқиндиларни жойлаштирилганлик учун компенсация тўлови суммаси ҳисоб-китоби бўйича [REDACTED] сўм компенсация тўлови 2022 йил йиллик даври учун мавжуд қарздорлик ҳудуд бўйича [REDACTED] га тўланмаган.

Даъвогар 2023 йил 6 апрелда 59-сонли талабнома билан жавобгарга мурожаат этиб, юзага келган қарздорликни тўлаб беришни сўраган. Бироқ, жавобгар томонидан ушбу талабнома оқибатсиз қолдирилган ва тўлов амалга оширилмаган.



Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади)нинг 236-моддасига кўра, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганда эса - иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак, 333-моддасига кўра, қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради.

Даъво талабининг компенсация ундириш қисми асосли деб топилганлиги боис, суд даъвонинг компенсация ундириш талабини қаноатлантиришни ҳамда жавобгардан даъвогар фойдасига [REDACTED] сўм компенсация тўлови ундиришни лозим топди.

ФК 263-моддасида неустойка тўлаш тарафларнинг келишувидан назарда тутилган ёки тутилмаганлигидан қатъи назар, кредитор қонунда белгиланган неустойкани тўлашни талаб қилишга ҳақли эканлиги белгиланган.

Даъвогар даъво аризасида асосий қарз суммаси билан биргаликда Низомнинг 30-бандига кўра, маблағлар ўз вақтида ўтказилмаган тақдирда, муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун компенсация тўлови бўйича қарздорлик суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, бироқ қарздорлик умумий суммасининг 50 (эллик) фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда, яъни 55 486 сўм пеня ундириб беришни сўраган.

Жавобгар томонидан мажбурият ўз вақтида бажарилмаганлигидан келиб чиқиб, суд даъвонинг ушбу талабини ҳам асосли деб ҳисоблайди.

Бироқ, ФК 326-моддасига мувофиқ суд қарздор томонидан мажбуриятларнинг бажарилиш даражасини, мажбуриятда иштирок қилувчи тарафларнинг мулкӣ аҳволини, шунингдек кредиторнинг манфаатларини эътиборга олиб, неустойка миқдорини камайтиришга ҳақли. Бу тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги “Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкӣ жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида” 163-сонли қарорининг 4-бандида ҳам батафсил тушунтириш берилган.

Жавобгар томонидан мажбуриятлар бажарилиши даражаси ва сўралган пеня миқдори мажбуриятнинг бузиш оқибатларига мутаносиблигини муҳокама қилиб, суд талаб қилинган пеня миқдорини 32 047 сўмга камайтиришни лозим топди.

ИПК 118-моддасига асосан суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади. Шунингдек, агар даъвогар томонидан билдирилган неустойкани ундириш ҳақидаги талаб асосли бўлиб, бироқ унинг миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқдан фойдаланилган ҳолда суд томонидан камайтирилган бўлса, суд харажатларининг камайтирилиши ҳисобга олинмаган ҳолда ундирилиши



